

ҲИНДИСТОНДА АРАБИЙ ИЛМЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7396179>

Шорустам Шомусаров

филология фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Тел.: +998 90 907 07 57

Араб тили Ҳиндистонга VIII асрда ва ундан кейин кириб кела бошлади. Ислом динининг ёйилиши билан боғлиқ ҳолда, араб тили Араб-ислом халифалигида буюк тамаддундан озуқа олди ва ўзи ҳам бу тамаддун равнақиға ҳисса кўшди, албатта.

Биз бу мақоламизда Ҳиндистонда араб тилини, ва умуман, маданиятини ёйишда фаол иштирок этган олимлар ҳақида тўхтаганмиз.

Абул Ҳасан Али Ҳасаний Надавий (1913-1999) Исломнинг забардаст олимларидан бири, етук мутафаккир, тарихчи бўлиб, турли тиллардаги эллиқдан зиёд китобларнинг муаллифи бўлган.

Насаби, ҳаётининг илк босқичи

Тўлиқ исми Али Абул Ҳасан бин Абдулхай бин Фахриддин Ал-Ҳасаний бўлиб, насаби Имом Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳумо)га бориб етади.

Отаси ҳам ҳинд алломаси ва тарихчиси бўлиб, ўзининг Ҳиндистонлик мусулмон арбоблари ва олимлари ҳақидаги 8 жилдлик асари билан машҳур бўлган. Онаси фозила саййидалардан бўлиб, шеърлар ёзган, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мадҳларида байтлар назм қилган. Абул Ҳасан Надавий Ҳиндистоннинг шимолида жойлашган Уттар Прадаш вилоятида жойлашган Райбарели мудирия (провинция)сига қарашли Такия қишлоғида туғилди. Илк таълимни уйда, онаси қарамоғида Қуръони Карим ҳифзидан бошлади. Сўнгра урду ва форс тилларини ўрганишга киришди. Ҳижрий 1341 йилда (1923-м.с.) отаси вафот этганида у ҳали 10 ёшга ҳам етмаган эди. Унинг тарбияси фозила онаси ва ўша пайтда тиббиёт куллиясида илм олаётган, Даарул улуум Надватул уламода таҳсил олган акаси Абдул Али ал-Ҳасанийга қолди.

Даарул улуум Надватул уламода араб, урду, инглиз тилларидан, шунингдек, диншунослик ва Исломий илмлардан тахсил олди. Ҳижрий 1342 йилда (1924-м.с.) Шайх Халил бин Муҳаммад ал-Ансорийдан расман араб тили бўйича таълим олди ва араб тили бўйича илмини тугаллади.

1926 йилда Надватул уламнинг Канфурда бўлиб ўтган тантанасида иштирок этиб, араб тилидаги фасоҳатли нутқи билан иштирокчиларнинг диққатига сазовор бўлди. 1927 йилда эса Лакнау Университетининг энг ёши кичик талабасига айланди ва араб тили факультетида ўқиди. Университетни араб тили ва одоби бўйича «Фозил» шаҳодатномаси билан тугаллади. 1927-30 йиллардаги талабалик ҳаёти давомида у инглиз тилини мукамал ўрганди. Бу эса унга турли хил исломий мавзулардаги, шунингдек, Ғарб маданияти, тарихи ва тараққиёти ҳақидаги инглиз тилида ёзилган китобларни ўқишда катта ёрдам берди.

1929 йилда Надватул уламодаги Дорул улумга ўқишга кирди. У ерда муҳаддис олим Ҳайдар Ҳусайнхоннинг ҳадис дарсларига борди ва ундан «Сахийҳайн»ни, «Сунани Абу Довуд» ва «Сунани Термизий»ни сўзма-сўз ўрганди. Бундан ташқари, «Тафсири Байдовий» ва фикҳга доир бир қанча китоблардан таълим олди.

Илмий ҳаёти ва даъват ҳаракатлари

1934 йилда Дорул улум Надватул уламода мударрис бўлиб тайинланди ва у ерда тафсир, ҳадис, араб адабиёти ва тарихи ҳамда мантиқдан дарс берди. Абул Ҳасан акасига ва Дорул улум Надватул уламога келадиган турли араб мамлакатларида босиладиган журнал ва газеталарни ўқир, улар орқали араб мамлакатларидаги ҳолатлар, улардаги олимлар, адиблар ва мутафаккирлар билан мунтазам танишиб борарди. Кейинчалик замонавий сиёсатчилар, араб мутафаккирлари ва Ғарб олимлари китобларини ўқиш орқали ўз мутолаа ва дарс кўламини кенгайтди.

1959 йилда Лакнауда «Исломий илмий мажмуа»га асос солди.

1969 йилда Шимолий Уттар Прадаш вилоятида таълим ҳайъати ташкил қилинишида иштирок этди. 1964 йилда Ҳиндистон Умумий Исломий Машварат Мажлиси таъсис этилишида қатнашди.

Муҳим асарлари

Шайх Абул Ҳасан Али Надавий асосан араб тилида, шунингдек урду тилида асарлар ёзган. Унинг тарих, диншунослик ва таржимаи ҳолларга оид 50 дан ортиқ китоблари, минглаб маъруза ва мақолалари бор.

Араб тилидаги биринчи мақоласи Имом Саййид бин Аҳмад (1831 йилда Балакут بالاکوتда шаҳид бўлган) ҳаракати ҳақида бўлиб, 1931 йилда Саййид Рашид Ризонинг «Минор» журналида чоп этилган.

1940 йилда «Араб адабиётидан сайланма (танланган асарлар)» китоби, 1942-44 йилларда болалар учун «Пайғамбарлар (набийлар) қиссалари» силсиласи, шунингдек «Тўғри ўқиш» силсиласи нашрдан чиқиб борди.

Матбуот

1932 йилда Надватул уламода чиқаётган араб тилидаги «Зиё» журнали, 1940 йилда ўша ерда чиқаётган урду тилидаги «Надва» («Кенгаш») журнали таҳририятида ишлади. 1948 йилда урду тилидаги «Таъмир» журналини чоп этди.

Абул Ҳасан Надавий 1955 йилдан бери араб тилида чоп этиладиган «Ал-баъсул Ислаамий» («Исломиёй уйғониш») журналида, 1959 йилдан бери араб тилида чоп --этиладиган «Ар-Роид» (тадқиқотчи, пионер) газетасида, 1998 йилдан бери инглиз тилида чоп этиладиган «Fragrance» журналида, шунингдек, «Ал-адаб ал-Ислаамий» (Исломиёй адабиёти) ва урду тилидаги «Маориф» журналларида ҳам бош директор бўлиб ишлади.

Иззат ва икром

1956 йилда Димашқ Араб Академиясига кузатувчи аъзо бўлиб таклиф қилинди.

1962 йилда Маккаи Мукаррамадаги Исломиёй Олами Робитасининг биринчи таъсис мажлиси мудири бўлди.

1963 йилда Мадина Исломиёй Университети олий маслаҳат Кенгашининг ташкилотчи аъзоси бўлган.

1980 йилда Иордания Араб Академиясининг ёрдамчи аъзоси бўлган.

1980 йилда Исломиёйга хизматлари учун Қирол Файсал халқаро мукофоти топширилди.

1998 йилда (1418 ҳижрий сана Рамазон ойида) «Исломиёй шахсият» мукофоти билан тақдирланди. Мукофотни Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати валиъаҳди Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум тақдим қилди.

ISESCO ташкилоти томонидан араб исломиёй маданиятига қилган катта хизматлари учун биринчи даражали ISESCO ордени билан тақдирланди. Орден 1421 ҳижрий сана Шаъбон ойида унинг жияни Абдуллоҳ Аббос Ан Надавийга топширилди.

Абул Ҳасан Надавий тил ўқитиш методикаси

Аллома ўз даврининг улухларидан бўлган Ашраф АлиТаҳонавийнинг Абул Ҳасан Надавий тил ўқитиш методикаси. “Замонут-такмил фий замонати-таъжил” асари орқали араб тилини ўқитиш методикасидан сўзлайди. Мана ўшалардан баъзилари:

Араб тилидаги дарсларни бошлашдан олдин қуйидагилардан фориг бўлиш керак. Мана шуни ўқишдан олдин бундан олдин ўқиш керак бўлган нарсалар бор. Булар нима?

Форс тилида Гулистон, Бўстонни ва “Қоваиду форсий” китобини ўқисин. Буни тугатмаган бўлса, араб тили ўқишни бошламасин. Агар вақти яна тордан ҳам тор бўлса, “Ҳамду борий” ва “Тайсирул мубтади” деган китобни иккала ҳиссасини ҳам ўқисин. Бундан ташқари Лукмоннинг “Юз панд насихати”, “Каримо” китобларининг ҳаммасини ёки ярмини ўқисин.

Математикани ўргансин.

Ёзишни ўргансин.

Урдучада ёки форсчада рисоалар ўқиган бўлсин. Кичкина бўлса ҳам китоб ўқиган бўлсин.

Қуръони карим ўқишни билсин. Қуръони карим ўқишни билмасдан туриб, араб тилига шўнғимасин.

Жадвалда келган китоблар ёнма-ён қўйилди. У нима дегани? Тартиб билан ўқисин дегани. Агар фаразан улардан биринчиси олдин тугайдиган бўлса, унинг ўрнига иккинчисини ўқитса бўлаверади.

Муаллим ва шогирдга қуйидаги одобларга риоя қилишлиги зарурдир.

Устоз дарсда фақатгина китобга тегишли бўлган нарсани тушунтирсин. Масалан бир матнни олсак, таржимасини қилсин, шарҳини қилсин бўлди, батафсил шўнғимасин. Зотан бу вақти оз бўлганлар учундир. Ҳиндистонда ўқиш дастури 8йиллик.

Толиби илмнинг саволи вақтида қисқагина етарли жавоб берсин.

Дарсни тушунтиришда баён қилиб бериш ва осонликни эътиборга олинг.

Агар толиби илм бирорта маъқул гап айтадиган бўлса, уни қабул қилинг. Агарчи у сизнинг гапирган гапингизга тесқари бўлса ҳам. Устоз мавзуни тушунтириб турганда, шогирд “Устоз мана бундай бўлмайдимиз?”-деди. Устоз қараса, шогирднинг гапи тўғри. Мана шу ўринда унинг гапини қабул қилсин.

Агар ўқитилаётган китобнинг эгасидан бирор бир очиқ-ойдин хатолик ўтадиган бўлса, бетакаллуфлик билан уни зоҳир қилсин. Уни у тарафга, бу тарафга бурмасдан шу ерда хато қилибди, деб айтиб қўя қолсин.

Ўқувчининг истеъдодига кўра баъзи вақтларда бошланғич ва ўрта таълим дарсларини унга беринг. “Қани сен ўқит,” денг. Унга топширинг. Бу жуда ҳам яхши нарса. Модомики кўлига китоб олиб ўқитмас экан, у нарсани “Мен ўқидим,” деб айтолмайди. Шунинг учун ўқиган сари одам ўсади, кучаяди.

Ўқувчи яхшилаб мутоалаа қилишга ҳаракат қилсин. Масалан, бугун 100-саҳифа ўқилади. Шунинг олдин ҳаракати заммаи, фатҳами, касрами, сукуни билишга, олдиндан таржима қилишга ҳаракат қилиб келсин. Ва шундоқ даражага етсинки, шу 100-саҳифада ўзига қайси нарса маълум, қайси нарса номаълум олдиндан билиши керак. Агар дарсдан олдин ҳеч бўлмаса 3 мартта ўқиб келмаса, қайси маълум, қайсиниси номаълум билмайди. Шунинг учун дарсдан олдин ўқиб келсин. Буни мутолаа, яъни, дарсга тайёргарлик дейилади. Ва агар устози тушунтираётганда ўзи тушунганига мувофиқ келса, “Ҳа тўғри тушунган эканман” деб белгисини кўйсин. Яхшилаб тушуниб ўқисин. Дарсдан кейин яна қайта мутолаа ҳам қилсин, такрорласин ҳам. Мутолаа нима дегани? Дарс тугагандан кейин шу дарсини қайта ўқийсиз, энг ками 5 марта. Такрор нима дегани? Бошқага айтиб берасиз. Бир дўст топиб, шунга айтиб берасиз. Кейин у сизга айтиб беради. Буни муколама дейилади. Мақсад мукамал бир эътибор ҳосил бўлсин.

Ўтган дарсларини баъзан-баъзан такрорлаб турсин. Энг гўзал такрорлаш услуби қуйидагича бўлади: масалан, бугун мана 7-дарс. Бу дарсни 7 мартта ўқисин. Олдинги дарсни 6 мартта, ундан олдингиси 5 мартта ва шу тартибда кетаверади.

Энг катта таянчи ва суянчи устоз бўлсин. Бу китобнинг ҳошиялари ёки бу китобнинг шарҳлари эмас. Ортиқча саволлар билан устозини қийнамасин.

Нима ўқийдиган бўлса унга амал қилиб борсин. Аммо кўп нафл намозлар ва кўп зикрлар билан машғул бўлишдан илм билан машғул бўлиш афзалроқдир.

Абу Файз Файзий ибн Муборак

Араб имлосида ёзилган китобларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўзлар таркибида нуқтали ҳарфлардан доимий фойдаланиб келинишига гувоҳ бўламиз. Алифбодаги ҳарфларнинг тенг ярмида турли сон ва жойлашувдаги нуқталар қўйилган бўлиб, улардан фойдаланмасдан туриб нимадир ёзиш ёки сўзлаш анча машаққат келтириб чиқариши тайин. Лекин тафсир китоблари орасида бир асар борки, мусанниф унда Қуръон оятларини бошидан охиригача тафсир қилишда бир дона ҳам нуқтали ҳарф қатнашган сўзни ишлатмаган ва бу билан ўзини беназир илм соҳиби эканини кўрсата олган. “Саватиул илҳом” дея аталган бу

тафсир асари “Тафсири файзий ал-ҳиндий бе нуқат” (Ҳиндистонлик Файзийнинг нуқтасиз тафсири) номи билан машҳур бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобирнинг набираси, Акбаршоҳнинг ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда яшаб ўтган, асли араб миллатига мансуб Абу Файз Файзий ибн Муборак томонидан ёзилган ушбу асар муаллифнинг энг катта таснифотларидан бўлиб, унда муфассирлар, ҳаттоки араб тилининг луғат жиҳатидан энг моҳир билимдонлари орасида ҳам янгилик бўлган усулдан фойдаланган. Яъни юқорида таъкидланганидек, тафсирнинг бошидан охиригача нуқтали араб ҳарфларини ишлатмаган ва бу маҳорати билан фан мутахассисларини ҳайратга сола олган.

Абу Файз Файзий ибн Муборак Акбаробод (Агра) шаҳрида 1547 йилда таваллуд топган. Унинг аجدодлари асли яманлик бўлиб, илм ва фазилат соҳибларидан, тасаввуф пешволаридан эдилар. Ҳиндистонга келиш тарихи бешинчи бобоси Шайх Мусонинг шу тарафларга қараб сафар қилиши ва яшаб қолиши билан боғлиқ.

Файзий дастлаб отасидан, кейин Ҳиндистондаги ислом уламоларидан таҳсил олган. Унинг илмда беназирлиги хабари Акбаршоҳга бориб етгач, одам юбориб ҳузурига таклиф этади ва шунинг билан иккисининг ўртасида муносабат пайдо бўлади. Акбаршоҳ Файзийни ўзига яқин тутар ва жуда ҳурмат қилар эди

Файзий 1592 йили вафот этади ва Аграда дафн этилади.

“Саватиул илҳом” тафсири 999-1002 ҳижрий йил орасида ёзилган. Муқаддима қисмига алоҳида ўрин берилган бўлиб, мусанниф унда ҳаёти, оиласи, султон билан учрашиш тарихи, мазкур тафсирнинг ёзилиши, услуби ҳақида маълумот берган.

Тафсирнинг қўлёзма нусхаларидан бири Туркиядаги “Фозил Аҳмад” кутубхонасида №113 рақам билан сақланмоқда. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази манбалар бўлимининг электрон китоблар фондида айнан ушбу нусхани учратиш мумкин. Бундан ташқари унинг қўлёзма нусхалари Имом Муҳаммад ибн Сауд университети кутубхонасида (№147 (1882), Лейден университети кутубхонасида (№229 (ССО 1702), Ҳиндистондаги Девбанд кутубхонасида (№44/1 (60/25), Қоҳира университети кутубхонасида (№293/3 (22186) рақамлари остида сақланиб келинмоқда.